

Илм келмайди, илмга борилади



08:00 / 30.01.2019 3216

Ҳорун ар-Рашид ҳаж қилиб, Мадинага қайтиб келди. У Молик ибн Анаснинг чуқур илми ва юксак иқтидори ҳақида кўп эшитгани учун у зотни зиёрат қилмоқчи бўлди. Моликнинг олдига элчи жўнатиб, уни ҳузурига чақиртирди. Молик ибн Анас келган элчига: «Амирул мўмининга айт, толиби илм илм учун ўзи келади, илм унинг олдига бормади», деди. Халифа унинг бу гапига бўйсуниб, Моликни зиёрат қилиб, уйига борди. Аммо тўпланиб турган одамларни тарқатиб, у зот билан холи гаплашишни талаб қилди. Молик буни рад этиб, одамлар қандай бўлса, шундайлигича қолишини айтди ва: «Оммадан тўсилган илмда хослар учун хайр йўқ», деди.

«Солиҳлар гулшани»дан